

Мазорифрат



Халқ зиёлилари
рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 5 март, пайшанба

№ 27 (5623).
Баҳоси: обуначига 16 тийин, сотувда 60 тийин

Мустақил Ўзбекистон Республикаси солномасида ўчмас тарихий воқеа

БМТ, 2 март. (ПАТА—ТАСС мух- бири Михаил Кочетков). БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессияси ўз иштини яна бошлади. Бош Ассамблеянинг бугунги мажлисида Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул этилди. Бу қарор яқинлик билан

маъқуллаш асосида овозга қўйилган ҳолда қабул қилинди.

Шундан кейин БМТ протокол бошлиғи Ўзбекистон делегациясини Бош Ассамблея залида унга ажратилган ўринларга олиб бориб жойлаштирди.

Астойдил муборақбод этамиз

Азиз дўстлар!
Қадри ватандошлар!
Келгуси авлодларимиз 1992 йил 2 март баҳор кунини буюк тарихий кун деб аташлари шубҳасиз. Шу кун Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди ва БМТ биносидан олдинда мустақил ёш суверен республиканинг давлат байроғи кўтарилди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси бунга буюк эҳтиром ва юксак ишонч билдирди.

Бир неча кун муқаддам Президентимиз Имом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашининг Якуловчи атини имзолаб, шу тарихи Ўзбекистон халқининг тинчлик ва тотувлик ғолибига, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга амал қилишга, инсон ҳуқуқларига тўла кифоят беришга азму қарор қилганини тасдиқлаган эди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кирганини — республиканинг теги ҳуқуқли ҳамкор сифатида халқаро майдонга чиқарилиши дарак берувчи воқеадир. Республика мустақиллигини юздан орта давлат тақдир ва у билан ҳамкорлик қилишга, иқтисодий ва маданий муносабатларини ривожлантиришга тайёр эканини наҳор қилди. Бизнинг олди-

мизда ҳар томонлама алоқалар ўрнатилган мустақамлаш учун дунё йўли кенг очилди, бу эса Ўзбекистон халқларига ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш, яқин келажакда республикада яшаб турган барча миллат ва элатлар турмушини муносиб даражага кўтаришни таъминлаш имконини беради.

Баҳор — ҳаёт янгилашнинг рамзи, шу бондан муқаддас Наврўз арафасида Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихида янги саҳифа очилганини таъсирга сазовордир.

Баҳор — умидлар қуртак ёзадиган давр, бинобари, халқимиз республика учун ажойиб истиқболлар очган айни шу баҳордан эътиборан ўз орав-умидларини фароғат, тинчлик, тотувлик ва дўстлик ҳужми сурган ўлкани келажак авлодлари қўлига топшириш билан боғламоқда.

Дўстлар, олди ва яқин мамлакатлардаги ватандошларимиз, сизларни Ўзбекистон ҳаётидаги тарихий воқеа билан астойдил муборақбод этамиз. Сизларга чин кўнгилдан сўхат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз, Ватан раънақи йўлидаги муштарак ишмизда муваффақиятлар ер бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЯ КЕНГАШИНИНГ РАЕСАТИ.

ФАН-ЕНГИЛМАС КУЧ

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов 3 март кунини Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари Фанлар академияларининг президентлари билан учрашди.

— Мен сизлар билан Тошкентда учрашиб турганимдан гоёт хурсандман, — деди И. А. Каримов олимларга муносабат қилиб. — Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини туздик. Муҳим ва мураккаб масалаларни муҳокама эт-

моқдамиз. Мустақил давлатлар Фанлар академияларининг фаолияти, техника тараққиёти, халқ таълими каби шу куннинг долзарб масалалари ҳам диққат-эътиборда бўлиши зарур, албатта.

— Биз ҳаммамиз, — деб сўзини давом эттирди Ўзбекистон Президенти, — фан тараққиётига ўз хиссанини қўшимиз даркор. Сизлар миллат ва элатларнинг бахтли келажак учун масъулсиз.

Сўнгра у олимларнинг эътиборини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доира-

сида бўлиб ўтган воқеаларга жалб этди. Фан арбобларига Финляндияга сафари таасиротлари тўғрисида ҳам сўзлаб берди.

Ўзбекистон Президенти мустақил республикалар Фанлар академияларининг салоҳиятини сақлаб қолиш, уларнинг фан тараққиётидаги мавқеини янада кучайтириш ва бунинг учун мавжуд имкониятлардан илмий асосда фойдаланиш кераклигини айтди. У минтақадаги Фанлар академиялари раҳбарларини етук ва маънавий мутахассислар тарбиялашга қақирди.

Учрашувда сўзга чиққан Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти У. М. Султонгазин, Қирғизистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти И. Т. Айтматов, Туркманистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти А. Г. Бобоев, Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти С. Х. Немаматуллаев, Озарбайжон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Э. Ю. Салоев минтақада фанни ривожлантириш тўғрисида, унинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, етук олимлар

тайёрлаш кераклиги ҳақида гапирди.

Олимлар Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилинганлиги муносабати билан И. А. Каримовни қутлашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қоробоев, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов иштирок этдилар.

(ЎЗА).



Суратда: учрашув пайти.

А. Чаплигина тасвирга туширган.

Давлат тилига эътибор керак

Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни шу комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Муталов олиб борди.

Мажлиса давлат тили ҳақидаги Қонун ва уни амалга оширишга доир давлат дастурининг Ўзбекистон Республикаси Алоқа ҳамда Адлия вазирликларидан бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Алоқа вазири К. Р. Раҳимов ва адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Э. Абдусаломов шу масала юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш борасида муайян ишлар қилинаётганлиги таъкидланди. Масалан, Адлия вазирлигида Қонунга шарҳ ёзилиб, кўп нусхада нашр этилди. Алоқа вазирлигида эса иқтисодий ва иш юритиш атамаларидан иборат кичик лугат, алоқа ходимлари русча-ўзбекча сўзлашгич тайёрланмоқда, Тошкентдаги шаҳарлараро телефон станциялари янги тилда буюртма олувчи мутахассислар билан таъминланаётди.

Бироқ бу борадаги камчиликлар ҳали талайгина. Алоқа вазирлигида Давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш юзасидан тузилган комиссия ишчи ишламайпти. Адлия вазирлигида Тошкент шаҳрида бошқармасида эса ҳали ҳам тил комиссияси тузилмаган, бу эрда Ўзбек тили машғулотлари етарлича олиб борилмаётди.

Комиссиянинг ушоу масала юзасидан қароридан Давлат тили ҳақидаги Қонун ва уни амалга оширишга доир давлат дастурини бажаришни тубдан яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Комиссия мажлисида атамашунослик қўмитаси томонидан тавсия этилган маъмурий бошқарувга иш бошқа соҳаларда оид атамаларнинг ўзбекча мулқобиллари ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар бундай атамаларни муайян тартибга соймай туриб, уларни қўлланишдаги ҳар хиллик ва чалқашликларга чек қўйиб бўлмаслигини айтдилар. Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чалқашликлар тез-тез учрамоқда. Эндиликда бундай хилма-хиллик иш қозғаларида, пешлавларда, муҳрларда ҳам тақдорланмоқда. Атамаларни қўлланишда тегишли меъёрга риоя қилиш зарур.

Мажлисада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БМТда НУТҚ СЎЗЛАДИ

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдуразоқов кўрсатилган юксак шараф ва ишонч учун Ўрта Осиёдаги шу республиканинг 20 миллион халқи номидан БМТ хавфсизлик кенгашига ва Бош Ассамблеясига миннатдорчилик билдирди. «Биз жаҳон ҳамжамиятига мустақил, ёш суверен давлат сифатида кирар эканмиз, жаҳоншумул, маҳаллий ва миллий манфаатлар қотишмасидан иборат бўлган мураккаб ва эндилик дунёни ўзи-

миз учун қайтадан кашф этаямиз», — деди у. Амминимиз, минг йиллик бой маданиятга эга бўлган, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Навоий, Ҳўлукбек ва бошқа кўпгина алломаларни дунёга етиштириб берган Ўзбекистон халқлари умум-баъшарий қадриятларининг жаҳоншумул хазинасига муносиб ҳисса қўшадилар, давлатлараро муомала маданиятини шарҳ тажрибаси билан бойитдилар. Турли-туман шаклларида намён бўлиб турган умуминсоний

маданиятнинг бирлиги ва хилма-хиллигини дунё барқарорлигининг, халқаро ва давлатлараро тотувлигининг гарови деб ҳисоблаймиз. Биз БМТга аъзо бўлиб кирар эканмиз, унинг инъомини, халқаро меъёрларини ва давлатлараро муомала қонунларини, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқлараро ташкилотларнинг талабларини тан олишимизни билдирамиз, деб таъкидлади Ўзбекистон ташқи ишлар вазири.

ШАРТНОМА— ҲАМКОРЛИК АСОСИ

ЎТГАН ДУШАНБА КУНИ ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИКЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ.

Мустақил Ўзбекистон халқаро алоқаларини ҳамма жаҳада, шу жумладан, халқ таълими соҳасида ҳам кенгайтириб, мустақамлашмоқда. Жаҳондаги бир қатор мамлакатлар, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамжамиятига кирувчи Республикалар билан халқаро норма ва ҳуқуқлар асосида тузилган шартномалар аҳднономалар, битимлар бунинг эркин далилларидир. Халқ таълимига оид бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқларига асосланган ҳолда, мустақил миллий таълим сиёсатларидан келиб чиқиб, томонларнинг теги ҳуқуқ доирасидаги мажбуриятлар асосида тузилиб, имзоланиб, амалга оширилади.

Кунини кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ўзаро ҳамкорлик

шартномаларини тузиш учун Тошкентга келган Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон Халқ таълими вазирликлари делегациялари ўтган куннинг кечасида Тошкентда имзоланди. Дўстона, самийи ва зиядаги учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев Мустақил давлатлар халқ таълими вазирликларининг делегациялари аъзоларига жумхуриятимиз маорифини раънақ топтиришдаги янги муносабатлар, ўқув ва тарбия ишларининг асосий йўналишлари, ишлаб чиқилган умумтаълим мактаби ва мактабга тарбия концепцияларининг таркибий асослари, қабул қилинажак халқ таълими тўғрисидаги Қонуннинг моҳияти, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнига бошқармачилик таъкид этилаётган айрим дастурлар, янги фанлар мазмуни хусусида сўзлаб берди.

Нотиқ ҳудудлари туташ, урф-одатлари яқин, ўтмиш тарихи ҳам, маданияти ҳам бир-бириндан ажралмас Ўрта Осиё халқларининг азалик азалик дўстлиги масалаларига тўхталиб, ҳозир мустақил давлатлар бўлиб қарор топган бу республикалар ўртасида ҳар жабуадаги, шу жумладан «таълим таълими соҳасидаги ҳамкорлик тараққиёт бошқичларида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ўзбекистонда қозоқ, тожик, туркман мактаблари фаолият кўрсатаётганидек, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистонда ҳам юзлаб ўзбек мактаблари мавжуд. Бу билим даргоҳларини дарсликлар, ўқув дастурлари, кўрсатмалар қуроллар, мутахассислар билан таълимлаш ҳам ўзаро ҳамкорлик ниҳоят зарур.

Қозоғистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари З. Азизхон мектаб таълими маорифи раънақ топтиришда ўзаро ахборот алмашиш, таълим-тарбиянинг маълум йўналишлари бўйича биргаликда тадбирлар ишлаб чиқиш, тарих ва ўлка маданиятини ўрганиш бўйича ҳамкорликда дарсликлар, қўлланимлар яратиш томонлар учун муҳим экан-

лигини қайд этди. У мавжуд ҳамкорликдаги ишларни кенгайтириш ҳамда таълимлаштиришга эришиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. — Биз ўйлаб кўрадиган ва ҳал этидиган муаммолар ҳам бор, — деди ўз сўзида Туркманистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А. Бегжонов. — Йўлдошевнинг таъкидларида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ўзбекистонда қозоқ, тожик, туркман мактаблари фаолият кўрсатаётганидек, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистонда ҳам юзлаб ўзбек мактаблари мавжуд. Бу билим даргоҳларини дарсликлар, ўқув дастурлари, кўрсатмалар қуроллар, мутахассислар билан таълимлаш ҳам ўзаро ҳамкорлик ниҳоят зарур.

(Давони 2-бетда).

«МАКТАБ ДАРСЛИГИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?»

Азиз дўстлар!
Бу фикрлар тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ўқитувчилари, ўқувчилари, ота-оналар ва бошқа ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасида муҳим ва долзарб муаммо юзасидан ўтказилмоқда. У анкетанинг «Мактаб дарслиги қандай бўлмоғи керак?» деган номиданок кўришиб турибди.

Тадқиқот ишлари натижасида республикадаги ўрта ўқув юрталари учун илмий-методик адабиётлар яратишда қандай мезонга амал қилиш тўғрисидаги маълумотларни олиш керак бўлади.

Анкетани тўлдириш қийин эмас. Сизнинг фикрингизга мос келадиган жавоб шифрини доирача ичига олиш кифоядир. Еҳуд очик қолдирилган қаторларга ўз тақлифларингиз, баҳойингиз, истатингизни ёзишингиз мумкин.

Барча анкеталар компьютерда ишловдан ўтади, қатор муҳим муаммолар бўйича жамоатчилик фикри қандай эканлиги тўғрисида табақалаштирилган маълумотлар олинади. Натижалар Ўзбекистон мактаблари учун янги дарсликлар тайёрлашда инобатга олинади.

Ҳамкорлик қилганликларингиз учун ташаккур!
(Рўзноманинг 3-саҳифасида «Мактаб дарслиги қандай бўлмоғи керак?» анкетаси эълон қилинмоқда).

КОМПЬЮТЕР ИХЛОСМАНДЛАРИНИНГ ОЛИМПИАДАСИ

Яқинда Андижон шаҳрида 31-урта мактабда вилоят ёш ЭХМ дастурчиларининг олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда 22 та команда иштирок этди. Беллашувда илмий-техника ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан берилган барча топшиқларни беҳамад кўста бажаришга Иббосан ноҳиясининг иккинчи ўринчи оғалларидир. Фахридан иккинчи ва учинчи ўринлар эса Марҳамат ноҳияси ҳамда Асака шаҳри янгликларига насиб этди. Энди улар март ойидаги таътил кунларида бўлиб ўтадиган жумхурият ёш ЭХМчилар олимпиадасида қатнашадилар. Уларнинг бундай ютуқларга эришишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими М. Мирзажонов, Марҳамат ноҳиясидаги 18-урта мактабнинг информатика ва ЭХМ ўқитувчиси Я. Исмоилов ҳамда Андижон ноҳиясидаги 47-лиқ масканнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси муаллими О. Мирзаалимова-ларнинг хизматлари каттадир.

А. ҲАЙДАРОВ.

ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИ УЧУН

«Ўқитувчи-92» кўрик-танловининг тўртинчи тур республика босқичи ҳам бошланди. Учрашувлар Тошкент шаҳридаги 110-мактаб биносидан ўтказилляпти. Танловда турли вилоятлардан 14 нафар муаллим иштирок этапти.

Кунини кеча улар 110-мактаб ўқувчилари ҳузурда ўзлари ихтисослашган ўқув фани бўйича машғулот ўтдилар. Муаллимларнинг дарс ўтиши борасидаги тўплаган тажрибалари, фаолият ва ма-

ҳоратлари турли халқ таълими муассасаларидан танлаб олинган ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан одилона баҳоланиб бориляпти.

(Танлов иштирокчилари олиб борган машғулотлар ҳақидаги ахборот-таҳлилий мақолаларни рўзноманинг навбатдаги сонларида ўқинишгиз мумкин).

Рўзноманинг учинчи саҳифасида кўрик-танлов иштирокчиларининг суратлари эълон қилинмоқда.

ШАРТНОМАЛАР — ҲАМКОРЛИК АСОСИ

(Давоия. Боши 1-бетда).

Тожикистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А. Рашидов мактабларда дин ва ахлоқ масалаларини, тил ўқитиш муаммоларини таъкидлаб, Ўзбекистон ва бошқа республикалардан таърибдорлардан фойдаланиш зарурлигига эътиборни жалб этди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашда муаллимлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, кадрлар малакасини оширишда кўмаклашиш сингари масалаларни ҳам ўйлаб кўриш керак. Ўқув юрталари, бошқарув идоралари, тарбия муассасалари ўртасида ҳам таърибдорларнинг биргаликда амалга ошириш имкониятларини излаш лозим.

Дўстона, бир-бирини ҳурмат асосида ўтган музокарадан сўнг томонларнинг келишувига мувофиқ вазириликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Қозоғистон, Ўзбекистон — Тожикистон, Ўзбекистон — Туркманистон Халқ таълими вазириликларининг ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Делегация бошлиғи А. Рашидов, Туркманистон

халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А. Бегжоновлар имзоладилар.

Ҳамкорлик шартномаларида томонлар миллий таълим ташкилий жараёнига кирувчи, қайси тилда бўлишидан қатъи назар, ҳамма таълим-тарбия муассасаларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, уларни давлат миқёсида педагогик-таълимий, ўқув-методик, илмий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш, ўз ҳудудига тизимли яшовчи миллат фарзандлари учун шу миллат тилида таълим-тарбия муассасаси бўлишини таъминлаш, ҳар кимни томон ўқув муассасаларини бигирган кишиларнинг дипломларини таволиқ қилиш каби халқ таълимига оид кўплаб муҳим масалаларга ёндашиш мажбуриятлари ўз ифодасини топди.

Ҳамкорлик шартномаларини имзолаш маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаев, вазири ўринбосарлари М. М. Қурбонов, И. С. Самиджонов, М. С. Султонов, Ҳ. Ф. Маъсудов, вазириликнинг мастул ходимлари қатнашдилар.

Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон Халқ таълими вазириликлари делегациялари билан бир қатор билим масалаларида ҳам бўлдиликлар, таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, айрим илгор таърибдорлар билан танишдилар.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

САМИМИЙЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

Биз педагоглар, ёш авлоднинг кўпроқ оврупоҳа тарбиялашга уриндик. Педагоглардан А. С. Макаренко, Ушинский, Никитинларга мурожаат қилдик. Бундай таърибдорлик педагогларни инкор этмоқчи эмасман. Аммо улуг халқимизнинг ибн Сино, Авлоний, Абдулла Авлонийдек алломаларига эътиборни пасайтирдик. Уларнинг бола тарбиясига доир қимматли фикрларига қамроқ амал қилдик. Давр фожиаси ҳам мана шунда бўлса керак. Ёшлар бўла оилаларда яшши тарбия олмаётганликлари рост. Мактаб жамоаси ҳам бўлгуси авлод онгига инсонийлик, меҳр-қошбат каби маънавий бойликни сингдирга олмайпти. Шунинг учун орамиздан ахлоқий бузуқ йигит-қизлар, ота-онасини кексаганда қариялар уйига элтиб ташловчилар, фарзандларини тирик етим қилувчилар сони камаймайпти.

Эмон одам бўлиши мумкин, лекин эмон халқ, эмон миллат бўлмайди. Бошқа халқларнинг урф-одатлари, тарихини ўрганиш билан бирга ўзимизнинг урф-одатларимизни, миллий анъаналаримизни ҳам ўрганиб, ҳаётга табиқ қилиб боришимиз керак. Агар биз фақат ўз тарихимиз, урф-одатларимизни ўрганиш билангина чеклانسак, унда билим даражамиз ҳо-зиргича замон талабларига жавоб бера олмайди, наҳот миқёсида савияси паст халққа айланб қоламиз.

Билим юртида ёшларимизни тарбиялаш учун бор имкониятимизни ишга солидик. Тарбиявий ишлар бўйича директор муовини У. Х. Хайдаров бу соҳада фойдаландик. Хотин-қизлар кенгаши билан биргаликда ётоқхонада, билим юртида «Меҳр-қошбат», «Инсонийлик нима?» мазму-лида баҳс-мунозаралар ўтказдик. А. Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарини муҳокама қилдик, олтинга тенг бўлган ҳинматли сўзларини ўқиб эшиттирдик. Қизларнинг одоби, ҳаёси, йигитларнинг виждони, покдомонлик ҳақида сўхбатлар уюштирдик. Айниқса, А. Навоий номли СамДУ педагогика кафедраси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Бундай таърибдор ўз самарасини бермоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига анча вақт бўлганига қарамай, амалда ҳеч нарса бўлаётгани йўқ, катта ишлар қаторида кичкина ишларимиз кўзга кўринмай қолди. Билим юрталарида, барча ўқув муассасаларида ўзбек тилини ўрганиш керак. Тарбиявий ишларни ўрганишдан дарс-лар қўйиш керак. Тарбиявий ишларни ўрганишдан, муомаладан, саломдан, миллий урф-одатларимиздан бошлангич шарт. Шу билан биргаликда шарҳ педагогларнинг фикрига таяниб иш олиб боришимиз зарур.

Р. ОДИЛОВА,
Самарқанд табиёт билим юрти ўқитувчиси.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг янги олий ўқув юрталарини ташкил қилиш тўғрисида» рўзноманинг 3 март сонидан эълон қилинган фармонининг «Навоий вилоятида» деган қисмидаги

2 абзац қуйидаги янги таҳрирда ўзгариш:

«Бухоро енгил ва озиқ-овқат санати технология институтини бўлимининг негизда Тошкент давлат техника доирлиғунининг кон-металлургия ва энергетика йўналишидаги Навоий бўлими».

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Уша даврнинг ҳамма энг муҳим воқеалари христиан дини билан боғланган. «Худонинг иродаси мана шундай» деган яқдил қичқирғи остида биринчи салб юриши эълон қилинган эди. «Маъжусийлар ҳақ эмас, христианлар ҳақдирлар», дейди Роланд араблар билан жанг тарадудини кўрар экан. Салб юришларини иқтисодий сабаблар билан қанчалик изохламанг, юришини қўлчилик қатнашчилари динга астойдил берилмаган бўлсалар, бу юришлар ҳеч қачон амалга ошмаслиги мутлақо равшандир. Қироллар шаҳарларни диний муқаддас жойларга айирбошлар эдилар. Шавкатли рицарлар дин йўлида жанг қилар эдилар. Муртад роҳиблар «Исо пайғамбарнинг шон-шўҳрати» йўлида ўзларига аъзо бера эдилар. Деҳқонлар «ер юзида худо салтанати»ни рўёбга чиқариш ниятида кўзгидан кўтарар эдилар. Аслзода хонимлар бемор камбағалларни парвартиш қилар эдилар, чунки қашшоқлар «худо олдига бойлар ва аслзодаларнинг ёнини олар эдилар». Христиан динининг кўпгина қойдалари бузи-

либ турган бўлса ҳам, бунинг аҳамияти йўқ эди, улар барибир олий қадрият бўлиб қолаверар эди. Инсон қанчалик яньют қилмасин, муқаррар жазоланиш ҳақида ўйлаш унга азоб беради, гуноҳларини гапирмай, таваб-тазарру қилмай ўлиб қолиш эса ажалдан ҳам даҳшатлироқ эди.

Шу билан бирга ўрта асрлар христианлигида уч погонани алоҳида ажратса бўлади:

1. Олий (черков) христианлиги. Бутун христианлиқнинг қиёфасини ва унинг асосий қадриятларининг (шак келтирмай ишонин) мажбурийлиги, имонни омон асраш — ҳаётнинг мақсади эканлиги, азиз авлиёларга ишонини ва шу кабиларни айни черков белгилаб беради.

2. «Рицарча» христианлиги. Христианликдаги ҳарбий жиҳат рицарларга жуда яқин ва тушунарли эди. Исо пайғамбарнинг: «Мен сизларга тинчлик эмас, қилиб олиб келдим» деган сўзларини том маънода тушунар эдилар ва шу маънода черков уларни қўллаб-қувватлар ва дин йўлида курашшини ҳар бир кишининг бурчи деб ҳисобларди. Салб юришлари вақтида вужудга келган ҳарбий роҳибларнинг маъаблари рицарлар билан христианлар олий мақсадларининг энг тўлиқ монандлиги эди.

Рицарларнинг «соҳибкамол хоним»га эҳтироми ҳам бирон-бир тарзда христианликка бориб тақаллади, зеро Биби Марямга сийинишдан келиб чиққан, деб ҳисобланади. Чуночки бир афсонада рицар шайтон билан тил бириктириб,

Низомий номли Тошкент давлат олий илм даргоҳининг табиёт-журғофия қилиб, ўқувчилар физика-математика, кимё-биология, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтимоий, бадий, бошқарув-иқтисодий жиҳатдан аҳолига хизмат ва бошқаларни танлашлари мумкин», дейилган. Бундан агар ўқувчи асосий мактабда у ёки бу ўқув фанидан етарли билим ололмаса, қандай қилиб учинчи босқич мактабда бу фанлар бўйича ихтисосланиши мумкин, деган савол келиб чиқади. Тўғри, умумий таълим мактаблари ўқув режасида фанларнинг сони ортиб кетган, уни камайтириш керак. Лекин уни концепция муаллифлари тақлиф қилган усулда ҳал қилиб бўлмайди.

Биринчидан, 1925-30 йилларда совет мактаби режасига киритилган «комплекс дастур», «лойҳалар методи», «лаборатория методи» (унда жуғрофия, биология, физика, кимё ва иқтимоий фанлар ўзаро қўшилиб юборил-

дан эса, «учинчи босқич мактабларида фанлар бўйича ихтисосланиш жорий этилиб, ўқувчилар физика-математика, кимё-биология, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтимоий, бадий, бошқарув-иқтисодий жиҳатдан аҳолига хизмат ва бошқаларни танлашлари мумкин», дейилган. Бундан агар ўқувчи асосий мактабда у ёки бу ўқув фанидан етарли билим ололмаса, қандай қилиб учинчи босқич мактабда бу фанлар бўйича ихтисосланиши мумкин, деган савол келиб чиқади. Тўғри, умумий таълим мактаблари ўқув режасида фанларнинг сони ортиб кетган, уни камайтириш керак. Лекин уни концепция муаллифлари тақлиф қилган усулда ҳал қилиб бўлмайди.

Биринчидан, 1925-30 йилларда совет мактаби режасига киритилган «комплекс дастур», «лойҳалар методи», «лаборатория методи» (унда жуғрофия, биология, физика, кимё ва иқтимоий фанлар ўзаро қўшилиб юборил-

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, умумий ўрта таълим мактаб ўқув режаларида ўқув фанлари сонини камайтириш керак эмас, деган хулосага келиш ярамайди. Уни камайтириш зарур ва у қуйидаги йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, асосий ва учинчи босқич мактабларида ўқувчиларга бериладиган таълим-тарбия ҳар икки йўналишда олиб борилиши керак. Биринчи йўналиш иқтидорли болалар учун фанни чуқурлаштириб ўрганиш мактаб бўлиб, бунда айрим фанларни мустақам ўрганиш ҳам иккинчи, ҳам учинчи босқич мактабларида амалга оширилиши лозим. Бу мактабларга кирувчи болаларнинг қобилиятлари, қизиқишлари фан-мутахассислари, психологлар, одам генетикаси соҳасида ишлаётган мутахассислар ишлаб чиққан махсус тестлар орқали аниқланади ва шундан сўнг улар қабул қилинади. Фанни чуқур ўрганишчи мактабларда физика, математика,

«Пахтачилик» ихтисоси бўйича ташкил этиладиган синфлар ўқув режасида «Пахтачилик», «Ўза агротехника», «Ўза селекция ва уруғчилик», «Ер-ларни мелiorация қилиш», «Ўза зараркундандалари ва касалликлари, уларга қарши кураш», «Пахтачиликда механизация», «Пахта толаси ва чигитдан олиннадиган маҳсулотлар» каби фанлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Қайд этилган ихтисосликлар бўйича фақат билим бериб қолмасдан, ҳаётнинг икки кунда намона хўжалиқлари, махсус лабораторияларда амалий машғулотлар олиб борилса ва ўқувчиларга ўз меҳнатларига яраша ҳақ тўланса, биринчидан, ўқув режасидаги фанлар сонини анчагина камайди, иккинчидан, малакали мутахассислари тайёрлаш анчагина илгари силжиган бўлур эди.

Умумий ўрта таълимнинг икки йўналиши ҳамма жойда бўлиши шарт, лекин унда жумҳуриятнинг турли вилоят, ноҳияларидаги иқтидорли болалар сонини, иқтимоий, иқтисодий тараққиёт, халқ хунармандчилиги эътиборга олиниши керак.

Хулоса қилиб айтганда, концепцияда ўқувчиларнинг қобилиятлари, қизиқишларига қараб умумий таълим мактабларининг биринчи йўналишида жаҳон стандартига мос билимлар берилиши, иккинчи йўналишда эса қунар ўргатиши асосий мақсад қилиб олмақ лозим. Ҳар икки йўналишда ҳам билимдан кундан-кунга ҳаётда унумли фойдаланиш масаласи диққат марказида турмоғи керак.

Мактабнинг яна бир вазифаси — болаларни ёшлар давридан бошлаб оила, жамоатчилик билан ҳамкорликда шарқона одоб-ахлоқни, ростгўйлик, гўшқурлик, миллий ғурур, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, байналмилалчилик, қадриятини билиш, тежамкорлик, ҳамкорлик, ҳурмат, савоб, озодалик, ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқатли бўлиш, хушомадгўйлик ва кибр-ҳавога берилмаслик, адоват қўзғамаслик, ёшларга ўргатишдан иборат. Шу ўринда савол туғилади. Нима сабабдан инсон ҳақидаги илмий-тадқиқот ишларида Фанлар академияси, олий ўқув юрталар олимлари ва тармоқ олийгоҳлари устидан Қўри Ниязий номлидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот олийгоҳи етакчилиги қилиниши биз тушунмадик. Мазкур илмий-тадқиқот олийгоҳи жамоасидаги Фанлар академияси, педагогика олий билимгоҳ олимларининг педагогика, психология, хусусий методикалар соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига етакчилиги қилувчи икки олийгоҳ етарлими? Агар шундай бўлса, буни оғизда эмас, амалда исботлаш керак бўлади.

Ш. МИРКОМИЛОВ,
табиёт-жуғрофия факультетининг декани, доцент.

А. ҒОҒУРОВ,
биология ва уни ўқитиш услуби кафедрасининг мудири, профессор.

АМАЛДА ИСБОТЛАЙЛИК

(УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР)

ган эди) каби ўқув курсларининг тақдирини нима билан тамом бўлганини концепция муаллифлари эсласалар керак.

Иккинчидан, табиий фанларни интеграциялаш тўғрисида «Биология в школе», «Химия в школе», «География в школе», «Физика в школе» илмий-методик ойнамаларида бир неча йилдан бери мунозара кетгани ва аксарият йирик табиатшунос олимлар, новатор ўқитувчилар интеграциялашган «Табиатшунослик» курсини мактабга жорий этиш ўқувчилар билиминини саёз бўлишига олиб келишини таъкидлаганлиги маълум-ку!

Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги пайтда мактаб режаларига киритилган ҳар бир ўқув фани интеграция йўналишида тузилган. Агар «Табиатшунослик ва техника» интеграция ўқув предмет мактаб ўқув режасига киритилса, уни ким ўқитади? Муаллимлар олий билимгоҳи шундай муаллимлар тайёрлай оладими? Бундай курсни мактаб ўқитувчиларига эмас, баъзи йирик олимлар, профессор, академиклар ҳам қойилмақом қилиб ўқита олмайдилар-ку? Чунки улар фаннинг маълум тармоғи бўйича мутахассис олимлардир.

биология, кимё, тил, жуғрофия ва шу сингари алоҳида синфлар бўлиши керак. Бундай шартда, албатта, ўқув режасида ихтисосга оид фанларга ўқитилгани учун ўқув фанлари сони камайди. Методист-ўқитувчи, катта ўқитувчи, фан номзодлари дарс беришлари ва синфдан ташқари машғулотларни олиб беришлари лозим.

Мактабнинг иккинчи йўналишида асосий ва учинчи босқич мактаблар ҳунар бериш тизимида бўлиши даркор. Албатта, ҳунар, меҳнатга тайёрлаш маҳаллий ҳудуд хусусиятларига мос ҳолда амалга оширилади. Чуночки, Бухоро вилоятининг Топди ноҳиясидаги мактабларда чорвадор ихтисоси бўйича синфлар очилгудек бўлса, бешинчи — ўн биринчи синфларда математика, адабиёт, тарих, жуғрофия, кимё фанидан ташқари шу ихтисосга оид йилчилик, қорақўлчилик, қуёчилик, балиқчилик, паррандачилик, қишлоқ хўжалик ҳайвон паразитлари ва уларга қарши кураш, «Йишлоқ хўжалик ҳайвон касалликлари, уларга қарши кураш», «Ҳайвонлар селекцияси», «Чорва озуқалари, уларни тайёрлаш ва сақлаш», «Чорвачиликда механизация» каби ўқув фанлари киритилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

МЕҲРИ БИСЁР ОИЛА

Айримлар учун бутунлай унут бўлган меҳр-шафқат, болажонлик каби хислатларнинг бошқа кишиларда икки ҳисса ошаётганини кўриб, беҳтёр қалбига илқилик юради. Улар ўз жигаргўшалари қаторида ўзгаларнинг фарзандлари бошини силаб, гўдакларни эркалашларга зор қилмасдан тарбиялаб, вояга етказаятганлиги ҳар бир инсонни ҳаяжонга солади.

Когон шаҳридаги Декарт бристлар кўчасининг 18-хонадонда Тўра ва Руқия Шўла товлар 4 нафар ширин фарзандлари билан ҳаёт кечя-



ришади. Яқинда ота-она ташаббуси билан оила шу шаҳардаги болалар уйидан яна беш нафар ширини ўз кўчогига олишга келишиди. Шу-шу бўлди-ю Нафиса, Наргиза, Эрали, Дялфуза ва

Файзуллолар янги уйга кўчиб ўтишди. — Бу жажжилар ҳеч қачон бизга бегона бўлишмайди. Улғайиб, ўз йўлларини топиб кетишса-да, биз улар турмушидан хабардор бўламиз. Қисқас, ҳар доим биз

улар билан биргамиз, — деди оилабоши Тўра ака. Тасвирларда: хонадонда ташкил этилган болалар уйи ҳаётидан лавҳалар. **А. ЧАПЛИГИНА** сурати.



либ турган бўлса ҳам, бунинг аҳамияти йўқ эди, улар барибир олий қадрият бўлиб қолаверар эди. Инсон қанчалик яньют қилмасин, муқаррар жазоланиш ҳақида ўйлаш унга азоб беради, гуноҳларини гапирмай, таваб-тазарру қилмай ўлиб қолиш эса ажалдан ҳам даҳшатлироқ эди.

Шу билан бирга ўрта асрлар христианлигида уч погонани алоҳида ажратса бўлади:

1. Олий (черков) христианлиги. Бутун христианлиқнинг қиёфасини ва унинг асосий қадриятларининг (шак келтирмай ишонин) мажбурийлиги, имонни омон асраш — ҳаётнинг мақсади эканлиги, азиз авлиёларга ишонини ва шу кабиларни айни черков белгилаб беради.

2. «Рицарча» христианлиги. Христианликдаги ҳарбий жиҳат рицарларга жуда яқин ва тушунарли эди. Исо пайғамбарнинг: «Мен сизларга тинчлик эмас, қилиб олиб келдим» деган сўзларини том маънода тушунар эдилар ва шу маънода черков уларни қўллаб-қувватлар ва дин йўлида курашшини ҳар бир кишининг бурчи деб ҳисобларди. Салб юришлари вақтида вужудга келган ҳарбий роҳибларнинг маъаблари рицарлар билан христианлар олий мақсадларининг энг тўлиқ монандлиги эди.

Рицарларнинг «соҳибкамол хоним»га эҳтироми ҳам бирон-бир тарзда христианликка бориб тақаллади, зеро Биби Марямга сийинишдан келиб чиққан, деб ҳисобланади. Чуночки бир афсонада рицар шайтон билан тил бириктириб,

худодан юз ўгирганида ҳам Биби Марямдан тонмайди. Бошқа бир афсонада Биби Марям аслзода бир йигитнинг ёнига келиб уни ўпади ва ўз рицари деб атайди.

3. Черков таъдмоти, мажусийлик ва хурфотларнинг қоршмасидан иборат бўлган оддий халқ христианлиги. Черков мажусийларнинг асосий байрамлари христианларнинг байрамига ойлантириб, мажусийликни йўқ қила олмади. Шу сабабли христианларнинг кўпгина урф-одатлари халқ томонидан варварларнинг сеҳргарлиги тарзида давом эттирилди. Масалан, черковда ибодат қилиш пайтида вақт тўхтаб туради ва инсон қармайди, деган ишонч бор эди. Жанубий Германияда ҳужм сурган олатга кўра агар авлиё урбан кунни об-ҳаво, айниқса, шу авлиёнинг тасвирини лойга отар эдилар. Мана шуларнинг ҳаммасида муайян расм-рўсулларни қилиш орқали одамлар ҳудода, вақтга ва шу кабиларга таъсир ўткази оладилар, деган соф варварларга ҳо тасаввур мавжуд эди. Олий халқ христианлигида гаиртабиий кучлар қонда бўлади ва одамларга жуда ўхшаб кетади. Чуночки, Исо пайғамбар ношуд роҳибга тарсаки уриши мумкин. Бирон-бир шаҳарлик ёки деҳқон лақмароқ шайтонни алдаб кета олади.

Бироқ динни бундай тарзда тушуниш ҳаммаша ҳам беозор бўлаверган эмас. Гаройиб хусусиятларга ишонч баъзан

шундай ҳолларга олиб келганки, масалан чамаси 1000 йилда Умбрия (Италия) шаҳри халқи авлиё Ромуальдага шак келтирган кишини ўлдириб, авлиёнинг ҳоқини қўлга киритмоқчи бўлган. Одий халқ ружу қўйган алвасти ови ҳам хурфотларнинг даҳшатли оқибати эди.

Адолат юзасидан шунга айтиш керакки, иқтимоий турмушга дингина таъсир қилиб қолмай, турмушнинг ўзи ҳам диннинг идрок этилишига муқобил таъсир ўтказиб келди. Чуночки, рицарлар нариги дунёни вассаллик тоифаси деб тасаввур эдилар. (Роланд ўлим арафасида ўнг қўлининг юқори кўтариди ва уни фаришта қабул қилиб олади. Шу тариқа у янги сенъорга садоқат отини ичди). Деҳқонларнинг диний маъзабларидан бири шайтоннинг ҳудода қарши иёсини ҳақидаги афсонани изоҳлаб, шайтон ўз олдига келган фаришта-ларга ўлдон ва боқларни камайитиришга ваъда қилган эмиш, дейди.

Инсон ҳаётининг барча энг муҳим пайтлари (туғилиш, никоҳ, рицарликка ўтиши, ўлими) христиан дини билан боғланган эди. Шу сабабли инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларига у таъсир ўтказарди. Христиан дини шу маърифат гилдирагининг ўзига хос ўқи эди.

Шаҳар ҳаёти. Айни шаҳарда этилган кучлар ўрта асрлар цивилизациясини ҳалок қилди. Теварак-атрофдаги жойлари билан бир бутун бўлган антик шаҳардан фарқи Улароқ ўрта асрлар шаҳри ўз қобилига биқинган эди. Қиш-

шундай ҳолларга олиб келганки, масалан чамаси 1000 йилда Умбрия (Италия) шаҳри халқи авлиё Ромуальдага шак келтирган кишини ўлдириб, авлиёнинг ҳоқини қўлга киритмоқчи бўлган. Одий халқ ружу қўйган алвасти ови ҳам хурфотларнинг даҳшатли оқибати эди.

Адолат юзасидан шунга айтиш керакки, иқтимоий турмушга дингина таъсир қилиб қолмай, турмушнинг ўзи ҳам диннинг идрок этилишига муқобил таъсир ўтказиб келди. Чуночки, рицарлар нариги дунёни вассаллик тоифаси деб тасаввур эдилар. (Роланд ўлим арафасида ўнг қўлининг юқори кўтариди ва уни фаришта қабул қилиб олади. Шу тариқа у янги сенъорга садоқат отини ичди). Деҳқонларнинг диний маъзабларидан бири шайтоннинг ҳудода қарши иёсини ҳақидаги афсонани изоҳлаб, шайтон ўз олдига келган фаришта-ларга ўлдон ва боқларни камайитиришга ваъда қилган эмиш, дейди.

Инсон ҳаётининг барча энг муҳим пайтлари (туғилиш, никоҳ, рицарликка ўтиши, ўлими) христиан дини билан боғланган эди. Шу сабабли инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларига у таъсир ўтказарди. Христиан дини шу маърифат гилдирагининг ўзига хос ўқи эди.

Шаҳар ҳаёти. Айни шаҳарда этилган кучлар ўрта асрлар цивилизациясини ҳалок қилди. Теварак-атрофдаги жойлари билан бир бутун бўлган антик шаҳардан фарқи Улароқ ўрта асрлар шаҳри ўз қобилига биқинган эди. Қиш-

лоқ ҳаёти ҳам, феодаллар қасрининг ҳаёти ҳам унга баб-баравар бегона эди. У ҳеч қайсига ўхшамаган ўз ҳаёти билан яшар эди.

Шаҳар ўзини ўзи бошқарар, у қўрғон деворлари билан ўралиб, феодал-деҳқонлар дунёсидан ўзини акратиб олган эди.

Аслида у бир митти давлат эди. У барча табақаларнинг намояндларини аралаштириб юборган эди.

Шаҳар аҳолисининг аксарияти хунармандлар бўлиб, улар эса деҳқонларнинг авлодлари эди. Унда аслзодалар ва руҳонийларнинг намояндлари ҳам яшар эдилар.

Аммо улар шаҳарда янги сифат касб этиб, шаҳарликлар деб аталардилар. Албатта, шаҳар ичда ҳам ўткир кураш борар: аслзодалар савдогарларга қарши, ташқи ҳавф пайдо бўлиб қолса борми, ҳаммалари бир лаҳзада жиқлашиб, ягона жаҳога айланар эди. Шаҳарларнинг ўрта асрлар жамиятидан акрналиб қолиши аввало шу билан белгиланар эдики, улар савдо-сотқчи ва хунармандчилик марказлари тарзида вужудга келган эди. Бу эса улардаги турмушнинг алоҳида шароитини ва янги надритлар юзага келишини белгилаб берган эди.

Давоия бор.


ТАНИШИНГ: «ЎҚИТУВЧИ-92» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИ



Кодhibой Усманов — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги Киров номида ўрта мактабнинг ривзиёт фани ўқитувчиси.



Носир Абдушукуров — Жаззах вилояти Жаззах шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси.



Содиқ Тожибоев — Наманган вилояти Тўрақўрғон ноҳиясидаги 8-ХТБЮ информатика ва ЭХТ ўқитувчиси.



Кунисбой Юсупов — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой ноҳиясидаги Бекимбетов номида ўрта мактабнинг она тили (қора-алпоқ) ва адабиёт муаллими.




Олия Немацова — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидаги 32-ўрта мактабнинг кимё фани ўқитувчиси.



Бекмушша Отабоева — Хоразм вилояти Урганч ноҳиясидаги 16-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.



Мавлуда Абдусатторовна Қашмова — Сурдарё вилояти Оқолтин ноҳиясидаги 1-иқтидорли болалар мактабнинг ривзиёт фани ўқитувчиси.



Суратларда: танлов қатнашчилари дастлабки синвондан ўтаётдилар.



А. МАМАДАМИНОВ суратлари.



Раъно Рашидовна Солиева — Тошкент шаҳар Сирғали ноҳиясидаги 6-ўрта мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, директор муовини.




Эркин Эшматов — Самарқанд вилояти Челақ ноҳиясидаги 38-ўрта мактабнинг кимё фани муаллими.



Мукамбар Эргашева — Тошкент вилояти Пискент ноҳиясида қарашли 5-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.



Йинарбен Иброҳимович Авлокулов — Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳридаги Амир Темур номида 1-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллими.



Болта Элов — Бухоро вилояти Ёнқудов ноҳиясидаги Куйбишев номида мактабнинг информатика ва ЭХТ ўқитувчиси.



Шоихда Юсупова — Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 31-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.



Ҳамиджон Олимов — Фарғона вилояти Оқунбобоев ноҳиясидаги 13-ўрта мактабнинг ривзиёт фани муаллими.

АНКЕТА

"МАКТАБ ДАРСЛИГИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?"

1. Ўзбекистон Республикасидаги ўрта ўқув юрларида ўқитиш савияси қандай деб ўйлайсиз?

01 юқсак 02 ўртача 03 паст

2. Дарслик ва ўқув қўлланмалари сифати сизни қаноатлантирадими?

01 тўла қаноатлантиради 03 тўла қаноатлантирмайди
02 қаноатлантирди 04 қаноатлантирмайди
05 ҳар қандай танқиддан тубан турлади

3. Дарсликларда баён этилган маълумотлар ўқувчилар ёши ва билимига мувофиқ келадими? жавоб беришга қийналмаган

қоидалар	тўла мувофиқ келади 01	тўла мувофиқ келмайди 02	мувофиқ келмайди 03	жавоб беришга қийналмаган 04
топшириқлар мазмуни	01	02	03	04
методик материаллар, текстлар	01	02	03	04
материални баён этиш усули	01	02	03	04

4. Ўқув юртингиз кўргазмалар қуроли билан қай даражада таъминланган?

	тўла таъминланган 01	тўла таъминланмаган 02	мушлақ олмаганмиз 03	жавоб беришга қийналмаган 04
плакатлар	01	02	03	04
диафильмлар	01	02	03	04
диапозитивлар	01	02	03	04
фотоматериаллар	01	02	03	04
видеотехника, видеофильмлар	01	02	03	04
музей экспозициялари	01	02	03	04

5. Бизларнинг ҳаммамиз ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчиликнинг мактабларда ўқитиш муаммолари, ўқув адабиётлари сифати тўғрисидаги турли фикрларига дуч келамиз... Атрофингиздаги кишилар ўқитиш шакллари ва усулларида қай даражада қониқиб ҳосил қилишди:

	тўла қониқиб ҳосил қилинган 01	қониқиб ҳосил қилинган 02	тўла қониқиб ҳосил қилинмаган 03	қониқиб ҳосил қилинмаган 04	айтиш қийин 05
кимё	01	02	03	04	05
биология	01	02	03	04	05
физика	01	02	03	04	05
математика	01	02	03	04	05
тарих	01	02	03	04	05
ўзбек тили	01	02	03	04	05
рус тили	01	02	03	04	05
чет тиллари	01	02	03	04	05
журғофия	01	02	03	04	05

дарсликлар, методик адабиётлар сифатидан қониқиб даражаси:

	01	02	03	04	05
кимё	01	02	03	04	05
биология	01	02	03	04	05
физика	01	02	03	04	05
математика	01	02	03	04	05
тарих	01	02	03	04	05
ўзбек тили	01	02	03	04	05
рус тили	01	02	03	04	05
чет тиллари	01	02	03	04	05
журғофия	01	02	03	04	05

6. Сизнингча, Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари савияси республика маданий ҳаётида рўй бераётган жараёнлар мазмунига мувофиқ келадими?

01 тўла мувофиқ келади 03 мушлақ мувофиқ келмайди
02 мувофиқ келади 04 айтишга қийналмаган

7. Мактаб дарслиги қизиқарли бўлиши керак деб ҳисоблайсизми?

01 фақат болаларга 03 болалар ва ота-оналарга
02 болалар ва ўқитувчиларга 04 ўқитиш ишларида ҳар бир кишига

8. Сўнги йилларда дарсликлар мазмуни қандай ўзгарди деб ўйлайсиз?

01 анча ўзгарди 03 айтиш қийин
02 ўзгарди, лекин айтиш қийин даражада эмас 04 мушлақ ўзгармади

9. Сизнинг ўзингизда ўқув материалнинг қайси бир босқичи, балки, ҳатто бутунлай дарсликни яратиш истаги борми?

01 ҳа 02 йўқ

10. Сиз кўпроқ қайси муаллифларга ишонч билан қарайсиз?

01 тошкентлик муаллифларга 03 московлик ва собиқ иттифоқдош республикалардагиларга
02 республика шаҳрларидаги муаллифларга 04 чет эллардаги муаллифларга
05 ҳеч кимга ишонч билдирмайман

11. Сизнингча, рус мактабларида ўзбек тили ўқитиш методикасига қандай ўзгаришлар киритилиши керак? /ёзинг/

АНКЕТА

12. Сизнинг назарингизда, дарсликлар яратишда қайси нарсалар аҳолида эътибор бермоқ лозим? /ёзинг/

13. Сиз ўрта ўқув юрларида менежмент, маркетинг, бозор иқтисоди фанлари ўқитилиши жорий этилиши керак деб ҳисоблайсизми?

01 ҳа 02 йўқ 03 жавоб беришга қийналмаган

14. Юқорида тилга олинган фанлар бўйича дарсликлардан хабардорми?

01 ҳа 02 йўқ

15. Дарслик иловага эга бўлиши керак деб ҳисоблайсизми?

01 дарсликка методик қўлланма 04 диктантлар, машқ ёки масалалар тўпламлари
02 ўқув кино/видео-дизайн/фильм 05 тарқатма ва дидактик материал
03 дугат 06 ҳеч нарса керакмас

16. Мактаб дарслиги қай даражада безатилиши керак?

01 кўплаб расмлар ва график материалдан иборат бўлиши лозим
02 расмлар оз бўлиши зарур
03 ўқувчилар эътиборини жалғитмаслик учун расмларсиз бўлмоғи керак
04 жавоб беришга қийналмаган

17. Сизнинг назарингизда, дарсликларнинг полиграфик безатилиши замоннинг эстетик талабларига жавоб берадими?

01 тўла жавоб беради 03 жавоб беришдан бермаслиги кўп
02 қониқарли 04 мушлақ жавоб беради
05 жавоб беришга қийналмаган

18. Ҳозирги дарсликлар мушакил машғулотларга, ўқувчиларнинг билиш активлигини ўстиришга ёрдам бераётми?

01 тўла ёрдам бермоқда 03 унчалик эмас
02 ёрдам бермоқда 04 ёрдам бераётми
05 жавоб беришга қийналмаган

19. Ўз фарзандингиз дарсликларига назар ташлаб турасизларми?

01 ҳа 02 йўқ 03 аёён-аёнда

20. "Яна ўз фарзандимиз билан бирга ўқийлик", деб йўл тутишга розилик билдирасизми?

01 ҳа 02 йўқ 03 жавоб беришга қийналмаган

21. Муқобил дарсликлар, бир нечта аъло даражадаги мактаб дастурлари бўлишига йўл кўйарми?

01 йўл кўйман 02 йўл кўймайман 03 муайян шарҳ билан йўл кўйман

22. Қуйидаги фанлар бўйича дарсликлар яратиш зарурати борми, бунини белгиланг:

01 астрология	10 ҳўлқ этикаси
02 экстрасенсорика	11 инсонлараро муомала санъати
03 параспсихология	12 психология
04 жинсий тарбия	13 логика
05 илоҳиёт/турли конфессия/	14 медицина
06 шарҳ яққа кураши	15 журналистика
07 ҳарбий иш	16 савдо
08 экология	17 ҳўқуқ
09 социология	18 бошқа фанлар бўйича

/ёзинг/

23. Ўқувчилар дарсликлар билан қай даражада таъминланган?

01 тўлиқ 02 қисман 03 яхши таъминланмаган

24. Дарсликлар тарқатишининг ҳозирги тизими сизни қаноатлантирадими?

01 қаноатлантиради 03 аксарият қаноатлантирмайди
02 қаноатлантиради, лекин уни яхшилаш зарур 04 тизим мушлақ ярамайди

25. Дарсликлар нусхаларининг бир қисми бозор нархларида эркин савдога чиқарилиши керак деб ҳисоблайсизми?

01 ҳа 02 таклифни қабул қилиб бўлмайди 03 таклиф ўрганилиши керак

26. Сизнингча, ўзингиз билган қайси нашриётлар лозим даражадаги мактаб дарсликларини чоп этмоқда?

01 "Просвещение" 02 "Ўқитувчи" 03 жавоб беришга қийналмаган

27. Ҳозирги дарсликларда педагогларнинг амалий иш тажрибаси қай даражада инобатга олинмоқда?

01 тўлиқ инобатга олинмоқда 03 яхши инобатга олинмаётми
02 етарли даражада эмас 04 жавоб беришга қийналмаган

Пироваддада ўзингиз ҳақингизда бир нечта саволларга жавоб беришингизни илтимос қиламиз:

28. Жинсингиз: 01 эркак 02 аёл

29. Ёшингиз: 01 25 ёшгача 02 25-39 ёшларда
03 40-54 ёшларда 04 50 ёшда ва ундан катта

30. Маълумотингиз: 01 ўрта ёки тўлиқсиз ўрта 02 ўрта махсус, ўрта техник
03 олий ёки тўлиқсиз олий 04 илмий даражага эгаман

31. Сиз қайси соҳада ишлайсиз?

01 ўқитувчи 02 ишлаб чиқариш соҳасида
03 маданият, фан, санъат соҳасида
04 бошқа соҳада /қайсалигини кўрсатинг/

32. Агар мактабда ишлаётган бўлсангиз қайси фандан дарс бераётганингни кўрсатинг

Агар сиз жамоатчилик фикрини билишнинг бошқа саволларига жавоб беришда иштирок этишни, почта орқали ижтимоий анкеталар олишни хоҳласангиз, ўз манзиллоҳингизни кўрсатишингизни сўраймиз

индекс _____ шаҳар, район _____

фамилиянгниз, исмингиз, отангизнинг исми, телефонингиз.

Сиз анкеталарни қайси тилда: ўзбек, рус тилида /остиға чиғиб қўйинг/ олишни истар эдингиз. Ҳажмкорлик қилганлигингиз учун яна бир миннатдорлик билдираимиз.

Тўлдирилган анкеталарни конвертга солиб, унга манзиллоҳингизни ёзишни ва уни қуйидаги адресга жўнатишни илтимос қиламиз: 700128, Тошкент, А/я 1905. Жамоатчилик фикри хизмати.

СИНАВ КҮРИНГ

МАШҒУЛОТДА — «МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ»

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Охунбобоев ноҳиясидаги Улғубек номи 5-ўрта илм маскани жамоаси учун янги мактаб қурила бошлади. 420 ўқувчи ўрнига эга бўлган ушбу бинони ноҳиядаги 75-хўжалиқларро механизациялашган кўча бўлими қурувчилари бунёд этганига қирғишди. Айна қуларда бўлими азаматлари билан даргоҳини қисқа фурсатларда тез ва соз битириш учун қизғин меҳнат қилаётганлар.

Ҳ. ОРИПОВ, Фарғона вилояти.

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Ижодкор, излауучан ўқитувчиларнинг иш услубларини ўрганиш уларнинг тажрибаларини оммадаштириш муким аҳамиятга эга. Шу мақсадда Вобкент ноҳиясида ҳам «1992 йил ўқитувчиси» кўрик танлови ташкил этилди. Қизғин баҳслардан сўнг кўрик шохунасида Нарзахий номи мактаб муаллими Н. Ниёзова кўтарилди.

М. УРИНОВА, Бухоро вилояти.

ИЖОДКОР МУАЛЛИМИНИ ХОТИРЛАБ

Иллануванч муаллим Набижон Рўзимов нафақат Норин ноҳиясидаги Ҳ. Олимов номи 34-ўрта мактабда, балки вилоят илм масканларида ҳам жисмоний тарбия машғулотларини ахшиллашга улкан ҳисса қўшган эди. Яқинда ушбу мактабда шогирдлар бошчилигида устознинг хотирасига бағишланган спорт беллашулари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мусобақада А. Алимов раҳбарлик қилаётган команда ғолиб бўлди.

Қ. ЙУЛДОШЕВ, Наманган вилояти.

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ

Анъанага айлиб қолган мактаб ўқувчиларининг фаволимадалари Кегайли ноҳиясидаги илм масканларида ҳам бўлиб ўтди. Унда жуғрофия фанининг билимдорлари куч синдирилди. В. И. Ленин номи 2-ўрта мактабининг икки нафар ўқувчиси совриндор бўлди. Ўқувчиларнинг бундай муваффақиятга эришишларида биринчи тоғлиқ жуғрофия фани ўқитувчиси Х. Полвоновнинг иш хизматлари беқиссидир.

С. СЕРЕКЕЕВ, Қорақалпоғистон.

МАКТАБГА ГАЗ КЕЛДИ

Балчиқи ноҳиясидаги Ҳ. Олимов номи 35-ўрта мактаб раҳбари А. Насриддиновнинг ташкилотчи-ташқиловчи ишларида сўнг билим даргоҳига табиий газ уюнди. Албатта, бу йомушда яхши одамларнинг, отаниқ ташқиловчи раҳбарларнинг ёрдами катта бўлди. Айна қуларда илм маскани ҳамда ёрдамчи биналар табиий газ билан истиқомда.

Р. ҚОДИРОВ, Андижон вилояти.

Шунингдек, тахририятимизга муштарийлардан Қ. Рўзимов, С. Қаримов, О. Юлдошев, А. Қўтибдинов, Х. Раҳимов, Д. Холмуқов, И. Ҳасанов, С. Аҳмедов, Б. Отақулов, М. Абдуғуломов, А. Аҳадов, Қ. Ризаев, С. Кабиров, С. Салоҳитдинов, И. Исмоилов, Э. Норматов, О. Очлов, И. Бекманов, Т. Шовдиров, М. Мазокиров, М. Уроқов, С. Шодиева, А. Хонназаров, Ф. Маматқулов, А. Асқаров, Ш. Парниев, Ҳ. Гашванова, П. Бухоров, Қ. Ташбаев ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллаган.

Аваз Ҳайдаров.



Кутмайиниз!

ҲУРМАТЛИ НОРМАТ ҚОРАҚУЛОВ!

Сизни кутлуғ 50 ёшингиз, ярим асрлик юбилейингиз билан самимий муборакбод этамиз.

50 ёшни инсон умрининг камолот чўққиси дейишади. Сиз бу чўққига меҳнатда фидойилигингиз, ташкилотчилик фаолиятингиз, ташаббускорлигингиз ва бошқа инсоний фазилатларингиз билан ҳақли равишда эришдингиз. Мактаб-маориф, халқ таълими соҳасидаги хизматларингиз билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозондингиз.

Сизга барча шогирдларингиз номидан узоқ умр, мустақкам соғлиқ, ижодий етуқлик тилаб қоламиз.

Денов ноҳия ижроия қўмитаси, шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси.

...Ўқувчини ўтган дарс юзасидан сўров қилсангиз, гоҳида у «хаммасин билар эдим, ёдимен кўтарилибди» ёки «доскага чиққимин, гапирма олмаман» каби важдларни рўқач қилади. Бундай ҳодисалар рўй беришининг асосий сабаби, менимча, ўқувчидан жавоб олиндида монолол усулидан воз кечмаётганлигиниздир. Бундан қутулиш ниятида биз ҳозир 20—25 дақиқали «матбуот конференцияси» дарсларини ўтказиб туримиз. Буни дарсликнинг бир бобини тугатгач, ташкил этган маъқул. Унда ҳар бир дарсдан асосий саволлар тузиб, «Саволлар

бурчагига ёзиб қўямиз. Ўқувчилар ҳам ёзиб боради. Саволларнинг умумий миқдори 20 тагача бўлади. «Матбуот-конференцияси» дарсида 5—8 ўқувчи мажсуус қўйилган суалларда, ўқувчиларнинг қарши томонида ўтиришади. Партадаги ўқувчилар («матбуот вакили» сифатида) саволлар берадилар. Студла ўтирган ўқувчилар бу саволларга жавоб қайтарадилар, бири «бўшроқ» жавоб топса, иккинчиси тўддиради ва ҳоказо. Шунингдек, партадаги ўқувчилар саволларини алоҳида ўқувчиларга беришлари ҳам мумкин. Ўқи-

тувчи ўқувчилар фаолиятини кузатар экан, саволларга аниқлик қиратади, жавобларини тўддиради ҳамда баҳолаб боради. Маълум миқдордаги савол-жавоблардан сўнг ўқувчилар жойларини алмаштиришади. Бундай дарс услуби болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам берапти. Ўқувчиларнинг мустақиллиги, фаоллиги ва, айниқса, ҳар бир масалага ижодий ёндашаётгани кишини қувонтиради. Б. МИРЗАЕВ, Сурхондарё вилояти Сарисий ноҳиясидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси.

НАСРДАГИ НАЗМЛАР

Энг хавфли нарса — ёнингдаги душмандир. Чунки у ҳеч қачон ўзини душман деб танимайди.

Кескир ингоҳ тубига жудом ушбу савол қадалган бўлади: «Нима учун!» Бундай ингоҳ ҳар қандай кишининг юзидан шу саволга жавоб топа олади.

Маня шу қоғоз тарихда авлон бўлиб қолади, деб қўлингизга бир қоғоз тутишса, ҳеч иккинчалик нималарни битган бўлур эдингиз? Мен, албатта, муаллимларнинг номларини биттама-битта ёзиб чиқардим. Чунки улар тарихни кашф этувчи кишилария яратишади.

Бир кишини «Ёлгон гапирганимиз?» — деб сураган эдим, у: «Йў», — дея лўнда ёлгон жавоб берди.

ВАТАН деган муқаддас сўзни айтганимда ёки эшитганимда, юракларим жингилаб кетади. Бу ингоҳ садо ҳар нафасда менинг қалбимда жарағлаб туради, лекин шу садога ҳеч қерда сўз билан берилган тўлиқ таърифни учратмадим. Балки, сўз кучи ожизлик қилар...

Украинани айланб юриб, юздан ортиқ урушда ҳалок бўлган қаҳрамон ҳарбириларимизнинг номларини дафтарга ёзиб олдим. Жуда қийналдим. Чунки уларнинг номлари ўрнига бир хил — ВАТАН деган сўз битиб қўйилганга ўхшайверди кўзимга.

Мард ўғлон энг аянчли дамларда ҳам ўзи билан ўзи ўралашиб қолайди. Унинг қалб тубида бундай ўралашиб қолган мудоом соқит қилиб тургувчи муқаддас ВАТАН бор.

Шоир деб ўзининг нафис табияти билан ўзгалар қалбига ҳам нафислик уйғота оладиган кишига айтилади. Нафисликка мафтун бўлдингиз, демек, сиз ҳам шоирсиз.

Унга ҳеч ким, маня бун сев ёки севма, деб буй...

руқ бергани йўқ. Бу йўлни унинг ўзи танлаган. У маня шу Ватанини севади, чунки бу — унинг қалбидаги ҳақиқий ВАТАНдир.

Ҳақиқий севига қонун йўқ ва у ҳеч қачон рухсат сўраб ўтирмайди.

Мен онамин севаман, чунки у Ватанимда ажайди.

Мен Ватанимни севаман, чунки у ерда онам ажайди.

Ароқ ароқхўр учун эмас, балки ароқхўр ароқ учун яралган.

ВАТАН сўзи мудроқ қалблардан, сўник лаблардан эмас, акинча жушқин қалблардан қайноқ нафас билан чиқади.

Ҳақиқий муҳаббат учун уни уйғотган сабабсининг қадри ҳар ерда бир хил — буюқдир. ВАТАН! Сен бор экансан, сenga бўлган муҳаббат ҳам бор. Муҳаббат бор экан, демек, сен бор!

Катта йўл четида ҳасса таяниб тўқилган пахталарнинг териб кетётган кампирдан бир бола сўради: — Эна, Ватан нима дегани?

— Ватаним... ҳақ, тилимнинг учмида турибди. Ўғилларим бунни жуда кўп ёзишарди. Бу гапни мендан ахши биласан-ку, ўша улар қўриқлаган жойда, болам...

Ҳа, кампирнинг қалбига Ватанга муҳаббат туйғуси сингиб кетган, лекин бу сўзни айтиб беролмайдим. Унинг сандиғидида ўғилларидиё қолган эсдалик хатлариди ҳам бу муқаддас сўз катта ҳарфлар билан кўп марта ёзилган.

Унинг етти баҳодир ўғлини урушдан қайтмади. Ҳа, кампир Ватан сўзини ахши ҳис қилади, лекин бизга тушунтириб бера олмайди.

етишдан олдин уни қуйлашга ҳақли эканлигини амалда кўрсатиб қўйиши керак. Фақат содқ қишлар Ватанини тилида ёки дилида, ҳар қандай шароитда ҳам қуйлаб ўтадилар.

... У хотинбозлик ҳақида узоқ маъруза ўқиди. Нутқи тугагач эса икки хотиндан қайси бириникига боршини билмай бошини қозғиб қолди.

— Одам нимадан қарийди? — Газабдан ва азобдан.

— Ер инсонникими ёки инсон ериникими? — Бир пайтлар инсон ерши эди. Энди бўлса, ернинг тақдирини инсон қўлида.

Ер — она, инсон эса унинг фарзанди. Наҳот фарзанди, ўз онасининг қотили бўлиш учун пичоқ қайраб турса...

Подшога қарши бош кўтарган гуноҳкор жаллод кундасига бош қўйишдан олдин худодан наҳот кутиб турган ҳалойиққа, бир осмонга қараб олди. Бу билан у ҳалойиққа худо сизнинг ўзингиз, демоқчи бўлгандир?

У шунақа тоғфа одамки, аҳмоқдан заковат, заковатлидан иллат қидиради.

Мардларни ҳатто душманлар ҳам тан олади.

Гўдаклар бегубор бўлади-лар...

Кун бўйи қирқта мамлакатга бўйруқ бериб ўтирган шох кечки маҳал гўдак набирасининг амрига бинаоан боққа чиқиб, олма узиб келар экан. Чунки гўдакларнинг бўйруғи ҳам ўзларидек содда ва бегубор бўлади. Шунинг учун улар улугдир. Шунинг учун уларга ҳамма «бўйсунди».

Кишининг икки хил фазилати бўлади: фаоллик ва ҳаракатларини бир мақсад сари йўналтириш.

лати бўлади: ялқовлик ва ақсизлик.

Менинг феъл жихатидан бир-бирига зид икки дўстим бор. Бирини қаерга борса, ўша ернинг шароитига мослашиб кетаверади. Буни кўчилик яхши кўриб, «қиршиқилма экан», дейишади. Иккинчиси эса қаерга борса, ўша ернинг шароитини ўзига мослаштириб олади. Бу йигитни нимагадир кўпчилик ёқтирмай, «қайсар экан», дейишади.

Шоҳ буйруғига бинаоан гуноҳкор қизнинг бошини узган девқомат жаллод мурда устида бошларини чаңгаллаб йиғламоқда эди. Унинг кўнглидан нималар ўтапти экан шу тоғда. Балки, қизнинг ўрнига ўзини ўлдирмаганига пушаймон бўлаётгандир? Жаллодда ҳам қалб бор-ку, ахир.

Қизни жаллод эмас, жаллод қўли билан шох ўлдирди. Ҳа, гулни ардоқлаган ҳам, пайҳон қилган ҳам замона.

Кимнингдир қўллариди, миясида, юрагида қадок нақши бор.

Юз йил шамчироққа ўхшаб липилаб яшагандан, бир сония бўлса ҳам чарақлаб яшаган афзал.

Улуғлик қаердан келиб чиқади? Бу ҳақда фикр юритишнинг ўзи бир улуғликдир.

Одамлар эскириб қолган сўзларини унут сўзлар қаторига қўшиб, ишлатмай қўйишапти. Уруш деган сўзни ҳам шундай қилишларига ишонаман. Бу — уларнинг ўзига боғлиқ.

Тинч қўйдинг-у, тинчим йўқолди.

Тежамкорлик ҳақида узоқ вақт маъруза ўқидим. Шу маъруза ўқилмаганда, уч соат вақт, ўттиз варақ қоз, икки графин сув тежалган бўлур эди.

Аваз Ҳайдаров.

ТАЪҚИБ ДАВОМ ЭТАДИ

Аmmo таъқиб тўхтамайди, давом этаверади. Айниқса, Муҳаммаднинг амакиси Абу Жаҳл қутургандан қутуради. Қурайшлар Маккага элтувчи йўларга қоровуллар қўйиб, йўловчиларнинг йўлини тўсишади. «Муҳаммад — жодугар, — деб ишонтироқчи бўлишади улар. — У жинни ва гоёт хавфли одам».

Улар Муҳаммаднинг устидан масхара-лаб қилишади, унга тош ва лой отишади. Бир гал Каъбада намоз ўқиб ўлтираркан, Абу Жаҳл унинг буйинига туянинг ичагини эшилган арқон солади ва фурсатдан фойдаланган Уба ибн Абу Муод деган кимса уни арқон билан бўғиб ўлдирмоқчи бўлади. Лекин шу топда аллақандайдир пайдо бўлган Абу Бакр пайгамбарнинг жонига ора кириб, уни қутқариб қолади.

У жоҳилларга қараб дейди: «Сиз уни ёлғиз Аллоҳни эгам дегани учун ўлдирмоқчимиз?» Бироқ, Муҳаммад душманларга қарши юрагида кек сақламайди. «Аллоҳ сабрли, кечиримли инсонларни хуш кўради», — дейди у. Таъқиб ва сиқувларга қарамай, юртини тарк этмайди. Ўз тарафдорларини Абиссинияга жўнатиб, ўзи Маккада қолади.

Бир гал Муҳаммад Зайдин ёнига олиб, Тоифга жўнади. Тоиф Маккадан унчалик узоқ бўлмаган масофада, катта бир тепалик устида жойлашган шаҳар эди. Балки тоифликлар менинг сўзини тинглашар, деб ўйлайди у ўзинча. Бироқ тоифликлар уни кулиб-масхара билан қарши олишади ва тошбурон қилиб ҳайдашади. У Маккага қонга беланган, тинка-мадори битган бир ахволда қайтади. Йўл чекмасидан боққа кириб, нафасини ростлайди. «Е Аллоҳ!» — деб кўзёши оқибди, илтико қилади у. — Ҳасратимни ёлғиз сenga айтаман. Меҳрибоним ҳам, мададорим ҳам — ўзингсан. Менга куч бер, мадад бер. Менга эргашганларнинг гуноҳларини маъзур тугтил».

Унинг олдида Абу Суфён бошчилигида бир гуруҳ мақоликлар келишади. «Сени келажакда Арабистоннинг подшоҳи бўлади, дейишапти... Агар биз мусулмон бўлсак, салтанатни биз билан бўлишасанми? — деб сўрайди улар.

«Аллоҳ истаган бандасига истаган ерида салтанат ато этади, — деб жавоб беради Муҳаммад. — Мен икхиринида бўлмаган нарсани сизга ватда етолмайман... «Тавба, улар салтанатга эришмоқ учун мусулмон бўлмоқчи», деб ҳаяратга чўмади кейин...

МЕЪРОЖ
Тоифдан қайтгандан сўнг бир оқшом у амакиси Абу Толийбнинг уйига боради. Тинка-мадори қурган, заиф, нотавон бир ҳолда шолчага мук тушиб ётади. Уйку элтиб, галати туш қўради. Тушида у Каъба олдида эмиш. Фаршита Жаброил унинг олдида қанотли оқ тулпор — Буроқни етаклаб келганмиш.

Сўнг Муҳаммад Буроқ отга миниб, етти қаваат осмонга саёҳат этади. Барча пайгамбарлар — Одам Ато, Ибро-

ҳим, Мусо, Аърон, Жон Баптист, Исо Масеҳ билан учрашибди. Кейин Жаоронл у билан хайрлашибди. «Бундан нарёнига мен ҳам ўтолмайман, — дебди у. — Шуълалар қанотимни куйдиради». Муҳаммад тағрирининг тахтини кўрибди, у самовотдан етмиш минг парда билан тўсиламанми. Уни уша даргоҳга олиб қуватлар етказганмиш... У уйғонаркан, тарафдорларига энди нималар дейиши бўлур аён эди:

- 1) сиз ёлғиз тағри — Йғона Аллоҳга сингининг;
- 2) ота-онангизга ҳамиша меҳрибон бўлинг;
- 3) қариндош-уруларга ёрдамлашинг, бева-бечоралар ва мусофирларга мададкор бўлинг;
- 4) хасис бўлманг, лекин исрофгарчиликка ҳам йўл қўйманг;
- 5) болаларингизни фанриқил туғайли ўлдирманг;
- 6) ҳасисиз, ахлоқсиз бўлманг;
- 7) бекор-беҳудага қон тўкманг;
- 8) етим-есирларнинг моли ва пулига кўз тикманг;
- 9) тоат-ибадатни қанда қилманг;
- 10) савдогар бўлсангиз, тўғри ўлчаб, тўғри тортинг;
- 11) эшитган ҳар гапга кўр-кўрона ишонаверманг;
- 12) такаббур, шухратпараст ва мақтанчоқ бўлманг.

Балкис АМЛАДИН
Муҳаммад пайгамбар иссибди

Мусулмонлар ҳар кунни беш вақт намоз ўқиб, бир йилда бир ой рўза тутишлари лозимлиги ҳам шунда айтилади. Муҳаммад Меърожа чиққанда қирқ уч ёшда эди. Меърожининг маъноси — зинапоя, қўтарилиш демакдир.

АҚОБА ВИТИМИ
Милодий 621 йили Мадинага уч юз чақирим йироқда жойлашган Ясрибдан элчилар келишади. Улар яқин орада пайдо бўлажак пайгамбар ҳақида ахулийлардан эшитишган эди. Муҳаммад билан учрашиб, ҳайрон қолишади. Улардан ўн иккитаси Муҳаммадга имон келтиради. «Бизга бирор одамнингизни қўшиб беринг», — деб илтимо қилишади, улар. Мусъаб бин Умайр деган кишини уларга қўшиб беришади. «Биз барча айтганларингизни бажо келтирмамиз», — дейишади улар пайгамбарга. — Сизга бўйсунамиз, деб тантанали қасамёд қиламиз.

Милодий 622 йилда Ясрибдан яна етмиш нафардан ортиқроқ киши келиб, пайгамбарга садоқат билдириб, қасамёд этишади.

Ана шу қасамёдлар тарихда «Ақоба битими» номи билан машҳур. Ясрибдан кўйдан-кўп кишилар келиб, мусулмончиликни қабул қилишади. Улар орасида Авс ва Хазраж қавмлари ҳам бор эди.

Ясрибликлар пайгамбарнинг Ясрибга келишини сўраб, илтико этишади. Муҳаммад ўз қавмининг бошлиғи Аббосга маслаҳат солади. «У Ясрибга борса, қиёво химоя этасизларми?» — деб сўрайди Аббос. «Токи тирик эканмиз, уни химоя этамиз», — дейишади ясрибликлар. — Лекин у кудратли бўлгач, Ясрибни тарк этмасин».

«Сўз битта, — дейди Муҳаммад, — сиз — меники, мен сизникиман».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ НОМИДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БУХОРО ДАВЛАТ ДОРИЛҒОНУНИ
БУШ ЛАВОЗИМЛАРГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
НЕМИС ТИЛИ КАФЕДРАСИГА: — доцент.
ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ КАФЕДРАСИГА: — доцент;
— катта ўқитувчи.

ТАБИИЙ ФАҲЛЛАР БУЙИЧА ФАЛСАФА КАФЕДРАСИГА: — доцент.
МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ УҚИТИШ УСЛУБИЕТИ КАФЕДРАСИГА: — доцент.
РУС ВА ХОРИЖИ АДАБИЕТ КАФЕДРАСИГА: — доцент.
КУЛЛИЕТЛАРАРО ЧЕТ ТИЛЛАР КАФЕДРАСИГА: — ўқитувчи.
СИЕСИЙ ИҚТИСОД КАФЕДРАСИГА: — ўқитувчи.
МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛҒОҲИМИЗ: 705018, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон 40 йиллиги кўчаси, 11-уй. Телефон — 3-23-15.

ҲАЛОЛ НИМАЮ ҲАРОМ НИМА?..
Биз мактаб жамоаси билан биргаликда рўзнамода чиқайтган мақола, тавсиянома, айнисса, «Одобнома» руқни остида бериледиган мақолалар, одоб-ахлоққа оид «Ҳадис» намуналарини диққат билан ўқиб, ўзаро мағзини чақамиз. Булар менинг 10-синфда «Одобнома» дарсини ўтишимда жуда кўл келмоқда. «Маърифат»нинг ўтган йил 7 декабрь сонидида устоз мураббийлар С. Остоновнинг «Оилавий қаёт аъённалари» ва Ш. Орифининг «Аллоҳ дарслари» мавзуларидаги тавсияномаларда берилган йўл-йўриқлар, доно маслаҳатлар берча ўқувчиларга катта ёрдам беради, деб ўйлайман. Бу борада мен ҳам «Одобнома» дарсини ўтишдаги баъзи фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.